

ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН, ДАВЛАТНИ БОЙ, ХАЛҚНИ ФАРОВОН ҚИЛАДИГАН КУЧ

1 Бизнес вакилларида қўшимча жой олишга эҳтиёж бор. Шу муносабат билан келгуси йилдан давлат активлари беш йилга ижарага берилади. 1991 йилда қабул қилинган “Ижара тўғрисида”ги Қонун, асосан, давлат органлари манфаатини ҳимоя қилишга қаратилгани қайд этилди. Шу боис ижарага берувчи ва ижарачи ҳуқуқларини бирдек ҳимоя қиладиган янги таҳрирдаги қонун ишлаб чиқилиши айtilди.

Мулоқотда таълим ва тиббиёт соҳаларига оид имкониятлар ҳам белгиланди. Унга кўра тиббиёт кластерларини барпо этган тадбиркорларга 7 йил муддатга, 3 йил имтиёзли давр билан 17 фоизли арзон кредитлар берилади.

Президентимиз бизнесни қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим инструменти — молиявий хизматлар эканини таъкидлади. Шу боис энди лойиҳага соддалаштирилган тартибда маблағ жалб қилиш бўйича инвестиция платформаси ишга туширилади. Тадбиркорлар ушбу янги тизим орқали йилга қўшимча 1 миллиард доллар маблағ жалб қилиш имкониятига эга бўлади.

Маълумотларга қараганда, ҳозир Ўзбекистонда 600 дан зиёд стартаплар фаолият юритмоқда. Шу йилнинг ўтган етти ойда стартапларга рекорд миқдорда — 264 миллион доллар хорижий инвестиция кириб келди. Шу боис ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилган ҳолда, ёшларнинг мингга стартап госяси ти-

жоратлаштирилади ва шундан 200 таси халқаро бозорга олиб чиқилади. Энг илғор технологиялар олиб келиниб, 100 та маҳаллий стартап халқаро миқёсда жозибадор бизнесга айлантирилади. Бунга 100 миллион доллар берилади.

Яна бир янгилнк, эндиликда молиялаштиришда муқобил скоринг модели ишга туширилиб, кредит бериш шартлари осонлаштирилади. Келгуси йилда банклар томонидан кичик ва ўрта тадбиркорликни мақсадли қўллаб-қувватлаш учун қулай шартларда 1 миллиард доллар жалб қилинади.

Учрашувда солиқ маъмурчилиги масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Амалдаги тартибга кўра, йиллик айланмаси 10 миллиард сўмдан ошган корхоналар фойда солиғи бўйича бўнак тўлагани учун айланма маблагдан қийинчилик юзага келмоқда. Шу боис энди бу тартиб 20 миллиард сўмдан ошганда қўланиши белгиланди. Натижада 14 мингга яқин тадбиркорлар ихтиёрида қўшимча 1 триллион сўмлик айланма маблағ қолади.

Айланма солиқдан қўшилган қиймат солиғига ўтадиган корхоналар бир йил давомида фойда солиғи тўлашдан озод қилинади, ҳисоботида хатолик бўлса ҳам жарима қўлланмайди.

Президентимиз Инвестиция кодексини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди. Бу кодекс инвестиция соҳасидаги барча қоида, кафолат ва

тартиб-таомилларни бир тизимга солиб, инвестицияларни рағбатлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари яна бир муҳим янгиликни эълон қилди. Бу ерда гап 2026 йилдан эътиборан “Бизнесни 15 дақиқада бошлаш” тамойили йўлга қўйилиши ҳақида бормоқда. Бунда тадбиркорни рўйхатдан ўтказиш вақтидаёқ электрон рақамли имзо берилади, банкда ҳисоб рақам очилади, соҳага масъул давлат органларига хабарнома жўнатилади. Мажбурий сертификатланадиган товарлар рўйхати 459 тага қисқартирилди. Рўйхат яна 288 тага қамайтирилди.

Мулоқотда қайд этилган имкониятлар бугунданок кучга кириши қайд қилинди.

Очиқ мулоқот тарзида давом этган тадбирда марказий ва ҳудудий студиялардан қатнашган тадбиркорлар ўз фикр ва таклифларни билдирди. Муаммолар муҳокама қилиниб, улар бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан шаклланган эзгу ананага мувофиқ, ҳар йили илғор тадбиркорлар Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланмоқда. Бу йил ҳам Тадбиркорлар куни муносабати билан Президентнинг тегишли Фармонида мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини ошираётган, аҳоли бандлиги ҳамда фаровонлигини таъминлаш йўлида жонбозлик кўрсатаётган бир гуруҳ тадбиркорлар фахрий унвонлар,

орден ва медаллар билан мукофотланди.

Янги Тошкентда мазкур мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

— Бугунги маросимда етакчи тадбиркорларни, жамиятимизнинг энг илғор вакилларини қўриб турганимдан хурсандман. Бу соҳада катта ислохотларни бошлаганимизда иқтисодчиларда ҳам, тадбиркорларнинг ўзида ҳам қандайдир кўркув бор эди. Лекин ишонч билан, шижоат билан имконият яратишдан тўхтамадик. Мутасаддиларни тадбиркорларни эшитишга мажбур қилдик. Бу ўз натижасини берди, давлат билан тадбиркорлар ўртасида ишонч ошиб борди. Бутун жамият тадбиркорга дўст бўлди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Юртимиз тадбиркорлари янги гоё ва ташаббуслари билан барча тармоқни олға тортаётгани, улар билан биргаликда катта-катта дастурлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Бугун иқтисодиётнинг турли тармоқларида, айниқса, қишлоқларда аҳолини даромадли қилишда улар ҳаракатлантирувчи куч бўлаётир. Ўз минглаб ёшлар, хотин-қизларни касб-ҳунарни қилиш, тадбиркорликка ўргатиш тажрибаси ҳам тадбиркорлар билан ҳамкорлик маҳсули.

Мукофотланганлар соҳани доимий қўллаб-қувватлаётгани ва меҳнатларига юксак эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Шу куни давлатимиз раҳбари Янги

Тошкентдаги бунёдкорлик лойиҳалари тақдими билан ҳам танишди.

Айтиш жоизки, бу шаҳар қурилишига 2023 йилда тамаил тоши қўйилган эди. Буюк Британиянинг “Cross-works” компанияси томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа концепциясига кўра, Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманларидан ажратилган 19 минг 700 гектар ерда бунёдкорлик ишлари жадал олиб бориляпти. Натижада бугунги кунга келиб, илк иншоотлар бўй кўрсатмоқда.

Шаҳар қурилишининг биринчи босқичида 6 минг гектар майдонда иншоотлар барпо этилиб, 600 минг аҳоли учун замонавий шариитлар яратилади. Лойиҳа тўлиқ аяунланган бу янги кент 2 миллион нафар аҳоли яшайдиган сўлим маконга айланади.

Замонавий шаҳарда инфратузилма ҳам шунга яраша сифатли ва узок муддатли бўлиши лозим. Шу боис ҳозирги кунда шаҳарнинг ер ости муҳандислик тармоқлари қурилиб, бир ва икки секцияли коллекторлар ётқиэилияпти. Улар орқали марказлашган иссиқлик ҳамда сув қувурлари, электр энергияси, телекоммуникация каби барча муҳандислик тармоқлари ер остидан ўтказилади. Шунингдек, транспортларнинг эркин қатнови учун туннеллар ва ер ости тураргоҳлари барпо этилади.

Ҳар бир лойиҳада замонавий ёндашув, мукаммал ечим ва яшиллик эътиборга олинмоқда. Экологик тоза транспорт тизими ташкил этилиб, метро ва электробуслар ҳаракати му-

вофиқлаштирилади. Айниқса, пиёдалар ҳамда велосипедчиларнинг тўсиқсиз ҳамда хавфсиз ҳаракатланиши учун кенг қулайлик яратилади.

Худудда 60 дан ортик давлат идоралари учун маъмурий бинолар барпо этилади.

Давлатимиз раҳбарига яқин истиқболда кўзда тутилган лойиҳалар ҳақида ахборот берилди.

Шаҳарга кўплаб маҳаллий ва хорижий инвесторлар қизиқиш билдирмоқда. Бугунги кунда аукционда сотилган 13 та тижорий лот бўйича 554 миллион долларлик инвестиция шартномалари тузилган.

Бу ерда қад ростлайдиган меҳмонхона ва ресторланлар, ўзига хос дизайндаги мухташам бинолар таширф буюрувчиларга юқори сифатли хизмат кўрсатиши билан бирга, шаҳарни туризм марказига айлантириши, шубҳасиз.

Худуддаги қурилиш жараёнида 160 минг нафар аҳолининг бандлиги таъминланади. Келажақда эса шаҳарда инновацион технологияга асосланган, юқори даромадли юз минглаб доимий иш ўринлари пайдо бўлади. Бунинг учун янги таълим ва тиббиёт кластерлари, ахборот технологиялари хизматлари ҳамда технопарклар ташкил этилади.

Президент лойиҳаларга инвестициялар жалб қилиш, дам олиш жойлари ва хизматларни қулай йўлга қўйиш бўйича тавсиялар берди.

«Халқ сўзи».

Адабий дўстлик — абадий дўстлик

СЎЗ ҚУДАРАТИ

Ўзбек ва қозоқ халқларининг кўп асрлик ўзаро алоқалари уларнинг маданияти, аввало, оғзаки ижоди ва адабиётида ўз аксини толган.

Сўзни қадим Түркистон пири Хожа Аҳмад Яссавийдан бошламоқчи бўлсак, соҳибқирон Амир Темурнинг ҳазрат хотираси ҳурматиға маҳобатли мақбара тиклаганининг ўзи — буюк бир тарих.

Шарқ адабиёти, туркий шеърятда Яссавий бобо қаламиға мансуб “Девони ҳикмат”нинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда бекиёс. “Насойим ул-мухаббат” асарида Алишер Навоий бобомиз жумладан шундай деган:

“Туркистон мулкининг шайх ул-машойихидур. Мақомоти олий ва машхур, каромоти мутаволий ва номаҳсур эрмиш. Муриду асҳоби ғоятсиз ва шоҳу гадонинг иродат ва ихлоси остонида ниҳоятсиз эрмиш”.

Ўз навбатида, Шарқ халқлари адабиётиға буюк Навоийнинг таъсири ниҳоятда катта. Қозоқ халқи бу улуг зотни яхши билади. Хусусан, Алишер Навоий ижоди маърифатпарвар зот Абай Қўнонбой ўғлида катта меҳр уйғотди. У қозоқ адабиётининг Шарқ, жумладан, ўзбек адабиёти ва маданияти билан алоқалари кенгайишида муҳим ўрин тутди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан маърифатпарварлик ғоялари кенг тарқалди. Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар, Абай, Ибрай Алтинсарин ижодида бу ғоялар ўзининг чуқур ифодасини топди.

Ўзбек муаллифлари асарларини қозоқ тилиға ёзма таржима қилиш ўтган асрнинг 30-йилларида бошланди. Асосан, кичик ҳикоялар ва поэтик асарлар ўғирилган. Қизиги шундаки, қозоқ тилидаги адабиётлар Тошкентда чоп этилган. Булар Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари (Исҳак ўғли Даниял таржимаси, 1934) ва Ғайратийнинг “Давр амри” (1935) кассаси эди. Кейинроқ Олмаотада Ҳамид Олимжоннинг “Гуллаган ўлка”, Амин Умарийнинг “Истак” шеърлари босилиб қикди.

Қозоқ тилиға ўзбек адабиёти дурдоналари — Алишер Навоий асарлари, Ойбек, Шароф Рашидов, Асқад Мухтор романлари, Абдулла Қаҳҳор асарлари, Ғафур Ғулом, Уйғун, Зулфия, Миртемир шеърлари таржима қилинди.

Ўтган асрнинг қирқинчи йиллари Евроосиё минтақаси халқлари учун ўта машаққатли кечганиға қарамасдан, 1941 йили буюк ўзбек шоири Алишер Навоий таваллудининг 500, 1945 йили улуг қозоқ оқини Абай таваллудининг 100 йиллик юбилейлари кенг нишонланди. 1945 йили Олмаотада ўтган тадбирда академик шоиримиз Ғафур Ғулом “Абай — чинакам ҳурматга арзигулик алл шоир. Унинг ўланлари қозоқ саҳросидай белоён. Олатовнинг атлас қирларидай жимжимадор. Чингизтоғ шаршараларидай суронли, Қозигурт қояларидай баланддир”, деган эди.

Қозоқ шеърятидан таржималар ўзбек бадий таржима адабиётида салмоқли ўрин тутди. Ғафур Ғулом, Уйғун, Миртемир, Зулфия, Шухрат, Жуманиёз Жабборов, Туроб Тўла, Носир Ғозилов қозоқ шоирларининг шеър ва достонларини завку шавқ билан ўғирган.

Ғафур Ғулом ижодида Қозогистон мавзуси кенг ўрин эгаллайди. “Қозоқ халқиға” шеърда шоир икки халқ ўртасидаги дўстлиқни авж пардаларда тараннум этади. Қардош қозоқ халқи-

ға чексиз муҳаббати ҳақида сўзлар экан, Ғафур Ғулом унинг истеъодли ўғлонларига қойил қолади. Кумуш овози ва Жамбул дўмбирасининг сози уни пол қиладди.

Ўзининг кўплаб ўзбек ижодкорлари, айниқса, Ғафур Ғулом билан дўстлигини Собит Муқонов “Ўзбек биродарларимға” шеърда меҳр билан ифодалайди.

Қозоқ халқининг турмуши, маданияти, меҳмондўстлиги, очик кўнгиллилиги, шаҳар, тоғ ва қирлари гўзаллигини Мақсуд Шайхзода “Жамбул”, Юсуф Ҳамдам “Икки шеър”, Нормурод Нарзуллаев “Менинг Қозогистоним” каби шеърларида ҳаққоний акс эттира олган.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Қозогистон” шеърдан бир гўзал тамсил:

**Тиник чашмалар бор ҳаддан зиёда
Боқийдир Балхашнинг суви ҳам бирок,
Бирок қозоқ халқин қалби дунёда
Барча чашмалардан кўра тиникроқ.**

Остона шаҳрида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийға, Тошкентда улуг қозоқ оқини Абай Қўнонбой ўлиға мухташам ёдгорликлар ўрнатилгани икки халқ дўстлигининг емирилмас ифодасидир. Абай кўчаси пойтахтимизнинг қоқ марказида ўтадиган Алишер Навоий номи билан аталадиган шоҳкўчаға топ ташган. Бунда нақадар чуқур рамзий маъно борлигини икки бовурдош, қон-қариндош халқ жуда яхши англайди.

Икки халқ адабиётининг забардаст вакилларини яқалат бодомдай эгизакларға ўхшатиш мумкин. Инчунин, Мухтор Аевоз ва Ойбек, Ғафур Ғулом ва Собит Муқонов, Абдулла Тожибоев ва Миртемир, Абдулла Орипов ва Ўлжас Сулаймонов адабиёт майдонига аргумоқ сургандай бир-бирига ҳамнафас бўлиб қалам сурди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозогистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев жаноби олийларининг оқилона сиёсати натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари қондош-жондош иттифоқчилик даражасига кўтарилди.

2018 йил “Қозогистонда Ўзбекистон йили”, 2019 йилда эса “Ўзбекистонда Қозогистон йили” деб эълон қилиниши муносабати билан маданият, санъат, адабиёт, илм-фан, туризм ва бошқа соҳаларда кўплаб тадбирлар, адабиёт кунлари, иждодий сафарлар ўтказилди.

2018 йилда Ўзбекистон ва Қозогистон Ёзувчилар уюмлари ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми ҳам икки томонлама адабий алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб келмоқда.

Сўнгги йилларда 20 нафар ёш ўзбек шоирининг шеърлари қозоқ тилиға ўғирилиб, “Жуз ўлен” (“Юэза шеър”) номи билан, 21 нафар ёш қозоқ шоири шеърлари ўзбек тилида “Юэ шеър” номи билан чоп этилиб, икки мамлакатда тақдимотлари ўтказилди.

2018 йил 13 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев иждодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши маърифат оламида улкан воқеа бўлди. Мазкур қарорға асосан Абай Қўнонбоевнинг “Сайланма” асари ҳамда “Ўзбек ва қозоқ адабий алоқалари” номли адабий-таҳлилий мақолалар тўплами чоп этилди.

Низомий номдаги Тошкент давлат педагогика университетига “Абай ва ўзбек адабиёти” умумсарлавға остида доимий кўргазма ташкил этилган.

Ҳар йили шоир туғилган 10 август санасида Тошкент шаҳрида ўрнатилган Абай Қўнонбоев хайкали пойига гул қўйиш маросими ва мушоира тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан нашр қилинган “Туркий адабиёт дурдоналари” номли 100 жилдик асарлар мажмуасининг мухташам ва залварли ўнта жилди қозоқ адабиёт бағишланган бўлиб, ундан Абай, Жамбул каби қозоқ мумтоз шоирлари билан бирга Қалмақон Абдуқодиоров, Собит Муқонов, Ўлжас Сулаймонов, Анвар Олимжонов сингари таниқли қозоқ шоир ва ёзувчилари асарлари ўрин олган.

2024 йил август ойида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозогистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев кенг жамоатчилик иштирокида Остона шаҳрида буюк шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоий хайкалининг тантанали очилиш маросимида қатнашди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Адабий дўстлик — абадий дўстлик” шiori остида халқаро адабий алоқалар янада ривожланмоқда. Гоҳ Тошкентда ёки Самарқанда, гоҳ Остонада ёки Олмаотада ташкил этилаётган адабий тадбирларда ўзбек ва қозоқ ижодкорлари, шоирлар ва ёзувчилар фаол қатнашмоқда. Шунингдек, Қозогистондаги “Мереке баспалари” нашриёти билан тузилган келишувға кўра, 52 нафар ўзбек ёзувчи ва шоирининг романлари, ҳикоя ва шеърлари, болалар учун ёзган асарлари алоҳида китоб ҳолида қозоқ тилиға таржима қилиниб, чоп этилиши режалаштирилган.

“Сўз — кўнгил тилмочи”, дейдилар. Бадий сўз қудрати эса мўъжизалар яратишға қодир. Шу маънода, муштарак томирларға эга ўзбек ва қозоқ халқларини адабиёт бугун бир-бириға янада яқинлаштирмоқда. Икки халқ ўртасидаги дўстлиқни, ҳамжиҳатлиқни, иноқлиқни мустаҳкамлашға ҳисса қўшмоқда. Ишонамизки, дўстлигимиз ҳам, адабий алоқаларимиз ҳам абадиятға дахлдор бўлажак. Зеро, академик шоир Ғафур Ғулом ёзганидек:

**...Ўзбек эли: — ўз оғам, — деб,
Ўтрик сўзламас қозоқ,
Жекам десам, жонға тутош,
Иним десам яқинроқ.
...Минг йилларға бар тутқазмас
Қондошлик тарихимиз,
Икки бошға бир манглайдай
Ярқироқ тақдиримиз.**

Сирожиiddин САЙИЙД,
Ўзбекистон халқ шоири,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

КЎТАРИНКИ РУҲ, БУНЁДКОР ҒОЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН САМАРАЛИ МАЙДОН

Бугун мамлакатимизда бизнес муҳити тубдан ўзгарди, чинакам тадбиркор қиёфаси шаклланди. Уларнинг фаолиятиға ғов бўлиб келган барча тўсиқлар босқичма-босқич бартараф этилди. Ишбилармонларға хорижий давлатлар билан яқин диплаоматик алоқалари мустаҳкамлаш, экспорт-импорт жараёнларини соддалаштириш, уларнинг фаолиятиға асоссиз аралашув имкониятларини йўқотиш — буларнинг барчаси бизнес муҳитини яхшилаш ва тадбиркорликни ривожлантириш, соҳани фаол кенгайтириш учун катта рағбат берди. Энди тадбиркорликка кўркув билан эмас, балки катта ишонч, унда мақсад ва лойиҳалар билан кириб бориляпти. Давлатимиз раҳбари уларни бугунги кун қаҳрамонлари сифатида эъзозлайди.

Муносабат

Шу боис Президентимизнинг тадбиркорлар билан бевосита очик мулоқоти аънаънавий тарзда йўлга қўйилгани нафақат ишбилармонларимизни қўллаб-қувватлаш, балки уларға кўтаринки руҳ, бунёдкор ғояларни амалға ошириш учун туртки бермоқда. Энг асосийси, тадбиркорларнинг муаммолари, муурожаат ва таклифларини тинглайдиган, уларға ечим топадиган самарали тизим яратилди.

Дўстона ва ишонч руҳини берувчи навбатдаги очик мулоқотда ҳам шу каби ютуқлар эътироф этилиши баробарида тизимда кечиктирмай ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларға ҳам ижобий ечим айтилдики, бу соҳа вакилларини ниҳоятда тўлқинлантириб юборди.

Ҳозир Ўзбекистонда ҳам илғор, уддабурон, ишнинг кўзини биладиган тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб бораётир. Ҳар бир соҳаға инновацион ёндашувлар кириб келяпти. Янги-янги ишлаб чиқариш турлари кўпаймоқда. Жумладан, ишини кичик лойиҳадан бошлаб, бизнесда тажриба ва малака тўплаган яқка тартибдаги тадбиркорларға кўмак бериб, уларни 50 — 100 нафар одам ишлайдиган бакувват корхоналар соҳибига айлантириш мақсадида ЯТТ ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун 2030 йилға-ча махсус ҳуқуқий режим жорий этилди.

Энди бундай тадбиркорлар учун рўйхатдан ўтишдан тортиб ҳисобот топширишгача бўлган барча хизматни жамлаган рақамли платформалар яратилади.

Равшан ҒОЗИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари кўмитаси аъзоси.

Суд қарорларини ижро этиш босқичида даъвони қондириш институти амалиётға татбиқ қилинади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.28 Топширилди — 01.40 1 2 3 4 5 6